

ISSN 2181 – 8193




Бухоро мухандислик-  
технология институти



## ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

## РАЗВИТИЕ НАУКИ И ТЕХНОЛОГИЙ



4  
2019

<b>Умаров Д.Б., Нарзиев М.С.</b> Тўйинган абсорбентлар якуний регенерацияси (десорбцияси)нинг мавжуд аппаратларини ўрганиш учун тизимли таҳлилни ишлаб чиқиш.....	<b>97</b>
<b>Toxirov R.S., Abdukadirov B.A., Turgunov B.X.</b> The decision of discrete optimization problems by the method of discrete programming and on the example of the classical trading traffic.....	<b>102</b>
<b>Сидиков И.Х., Гафуров К.Х., Файзиев Ш.И.</b> Моддий баланс қонунини қўллаш орқали ёглар экстракция жараёнининг математик моделини ишлаб чиқиш .....	<b>107</b>
<b>ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФАНЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЕТИ</b>	
<b>Назаров М.Р., Назарова Н.М.</b> Қуёш шамолининг биосферага ва инсон саломатлигига таъсири.....	<b>112</b>
<b>Пулатова С.У., Қодирова С.Х.</b> Электромагнит нурланишга қарши маҳсус кийимлар учун мўлжалланган материаллар ассортиментининг таҳлили.....	<b>118</b>
<b>Сулайманов С., Нарзиев Ш.</b> Спортда кузатиладиган шикастланишларнинг юзага келиши ва оқибатларини башоратлаш усуллари.....	<b>124</b>
<b>Эргашева Х.Б., Раджабова В.Э.</b> Бугдой дони токсикоген кўрсаткичларининг тадқиқотлари.....	<b>130</b>
<b>Абидов К.З., Эргашев Б.Т.</b> Огирик кучини ҳисобга олган ҳолда текис ўтказувчан кувурдаги икки фазали мухитнинг ламинар пулсацияланувчи ҳаракати.....	<b>138</b>
<b>Rozikov J., Kholmirzaev J., Yusupov F., Muminov I., Mamatova M.</b> Weyl ordering in quantum mechanics.....	<b>144</b>
<b>Жумаев М.Р., Шарипов М.З., Миржонова Н.Н.</b> Конденсат атомларининг ўзаро флуктуацион таъсири остида Бозе-Эйнштейн конденсатидаги солитонларнинг динамикаси.....	<b>148</b>
<b>Вохидова М.Т.</b> Ёшларда толерантлик намоён бўлишининг ижтимоий-ахлоқий жиҳатлари.....	<b>154</b>
<b>Уринов Ж.Р.</b> Автоклавсиз говак бетондан тайёрланган оралиқ том ёпмасини қисқа таъсир этувчи юклар таъсирида синаш.....	<b>159</b>
<b>Хасanova Г.Дж.</b> Аграр соҳани ривожлантириш – давр талаби (Бухоро вилояти мисолида) .....	<b>164</b>
<b>Юлдашева Ш.Ж., Исматова Ш.Н.</b> Саклаш пайтида омухта ем тургунлигига турли омилларнинг таъсири .....	<b>173</b>
<b>Самиев К.А.</b> Турли изоляцион материаллар ва энергия манбалари асосида бинолар ташки деворлари учун изоляциянинг оптимал қалинлигини аниқлаш.....	<b>178</b>
<b>Мухамеджанова Л.П., Султанова Л.С.</b> Аҳмад Заки Валиди Тугон ва унинг Бухорога саёҳати (Аҳмад Заки Валиди Тўғоннинг “Хотиралар” китобидан).....	<b>184</b>
<b>Самиева Ш.Х., Асадова С.С., Салихова М.</b> Матога гул босиш санъатининг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихи.....	<b>191</b>

## ҚҮЁШ ШАМОЛИНИНГ БИОСФЕРАГА ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

НАЗАРОВ М.Р., НАЗАРОВА Н.М.

ТИҚХММИ Бухоро филиали  
БухДУ докторанти

Мақолада қуёши ва магнит бўронларининг биосфера ва инсонлар саломатлигига таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, мақолада қуёши шамолининг ер магнит майдонига таъсири атрофлича ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** биосфера, магнит бўронлари, одам организми, магнит майдони, микромагнит, магнитосфера, атмосфера, қуёш, инсон саломатлиги.

В статье приводятся сведения влияния солнечных и магнитных бурь на биосферу и на здоровье людей. А также в статье всесторонне изучено влияние солнечного ветра на магнитное поле земли.

**Ключевые слова:** биосфера, магнитные бури, человеческий организм, магнитное поле, микромагнит, магнитосфера, атмосфера, солнце, здоровье человека.

*The article provides information on the influence of solar and magnetic storms on the biosphere and on human health. And also in the article the influence of the solar wind on the magnetic field of the earth has been comprehensively studied.*

**Key words:** biosphere, magnetic storms, human body, magnetic field, micromagnet, magnetosphere, atmosphere, sun, human health.

Дарс жараёнида талабаларни замонавий фан ютуқлари билан узлуксиз танишириб бориш заруриятга айланиб бормоқда. Хозирги вактда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда, кўпроқ илмий назарий, илмий техникавий тушунчаларни ўргатиш фанлараро интеграциядан фойдаланиш ва уларни илмий оммабоп адабиётлар билан танишириш талабаларнинг илмий дунёқарашини ва фалсафий мушохада юритиш қобилиятини ривожлантиради. Шу мақсадда ушбу мавзуга тегишли маълумотларни келтирамиз.

Қуёш ва магнит бўронларининг инсон саломатлигига таъсири, ернинг сунъий йўлдошлари учиринишига қадар аниқланган эди. Бундай тадқиқотлар дастлаб Россияда XX асрнинг ўттизинчи йилларида гелиобиология асосчиси А.Л. Чижевский томонидан амалга оширилган. Қуёш фаоллигининг биосферага таъсирига доир ўтказилган кўпгина тажрибалар, кузатилган илмий далиллар магнит бўронларининг инсон саломатлигига таъсирини тасдиқлади.

Ер сайёраси орбитасида космик кемаларда ўтказилган тажрибалар натижасида шу нарса аниқландики, қуёш плазмасининг бир қисми ернинг магнитосферасига кириб, унда кучли токларни юзага келтириши туфайли кутб ёғдуси ва бошқа атмосфера ҳодисаларини келтириб чиқаради. Бинобарин, қуёш бўронлари ер атрофидаги фазода магнит бўронларини келтириб чиқаради ва у ернинг турли кенгликларда магнит майдонининг турлича ўзгаришида намоён бўлади. Ер магнит майдонининг кучли ўзгариши юқори кенгликлар (шимолий худудлар)да юзага келади. Бу вактда атмосферага шиддат билан бостириб келадиган қуёш шамоли (плазмаси) бу соҳаларда ҳавони ионлаштириб, магнит бўронларини пайдо қиласди. Бу пайтда инсонлар ҳам тирик жонзотлар каби магнит майдони таъсирига дучор бўладилар. Шу сабабли қуёш бўронлари вақтида ер магнит майдонининг бундай ўзгаришига инсон организми маълум реакция кўрсатади. Аниқроқ қилиб айтганда, магнит бўронларининг одам организмига кўрсатадиган салбий таъсири айрим касалликларни келтириб чиқарап экан. Масалан, бир катор юрак-қон томир ва асаб-руҳий касалликлари хуружи ошади. Инсонларни ёруглик ва товуш сигналларига реакцияси ва диққати камаяди. Бу эса йўлтранспорт ҳодисалари ва автоҳалокатларга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, диққатни талаб қиласиган мураккаб ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам баҳтсиз ҳодисалар, кўпинча, магнит бўронлари даврида содир бўлади.

Магнит бўронлари таъсирида одам организмидаги ўзгаришларни уни мослаштирувчи механизмлари ҳамма вақт ҳам мувозанатлай олмайди ва у инсондаги турли система(организм)лар фаолиятини унча-мунча оғдириб юбориши мумкин. Шунинг учун, магнит бўронларига, кўпинча, кекса кишилар, асаб ва юрак-қон томир касалликларига чалинган беморлар сезгир бўлади. Магнит бўронлари билан эпилепсия(тутқанок), глаукома ва инфекцион касалликлар орасида чамбарчас боғланиш мавжудлиги ишончли исботланган.

А.Л. Чижевский ёзади: "...Шундай кунлар бўладики, бемор киши учун Қуёш ўлим манбаи ҳисобланади. Бундай кунларда ҳаёт ҳадя этганнинг ўзи қасамхўр душманга айланади, ундан инсон ҳеч қаерга на яширина олади, на қочиб қутула олади. Қуёшнинг ажал келтирадиган таъсири инсон қаерда турмасин уни ушлайди..."

Ҳозирги вақтда хорижда ва мамлакатимизнинг айрим тиббий марказларида қуёш бўронларини олдиндан башорат қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу соҳада тўпланган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш муҳим масала ҳисобланади.

Ер юзида магнит бўронлари даврида 50 дан 75% гача одамлар магнит бўронлари таъсирига мойил бўлиб, согликлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келади. Статистик маълумотларга кўра, магнит бўронлари ойида 2-3 марта содир бўлади. Бу ҳодисани содир бўлишидан 2 кун олдин башорат қилиш мумкин. 2013 йили қуёш активлиги ўзининг энг юқори чўққисига чиқкан. Демак, бу пайтда магнит бўронлари сони ҳам ошган.

Қуёш активлиги даврида магнит бўронлари таъсирида радиоалоқа каналлари, сунъий йўлдош навигация тизимлари ишида, кўпинча, узилишлар кузатилади. Магнит бўронлари туфайли гипертония ва юрак хасталигига чалинган беморларда, касаллик хуружи ошади. Шунингдек, бундай даврда магнит бўронларига мойил одамларда инфаркт ва инсультлар сони 15% га ошади.

Магнит бўронларига қандай бардош бериш мумкин? Магнит бўронларидан кутилишнинг иложи йўқ. Ундан ҳалос бўлишнинг бирдан-бир тўғри йўли киши ўз соглигига эътиборли бўлиши ва организмини қаттиқ ҳаяжон ва руҳий зарбаларга тайёрлаши лозим. Кишилар бундай таъсиirlарга бардошли бўлиш учун врачлар организм ортиқча юкламалардан холи бўлиши, дам олиш, нормал турмуш тарзи ва тўғри овқатланишга эътиборни қаратиш лозим деб таъкидлашади. Содир бўладиган магнит бўронлари ҳакида маълумотларни олдиндан билиш лозим. Бундай пайтларда беморлар дори-дармонларини гамлаб, ўз вақтида ичиб туришлари керак.

Энди магнит майдони (магнит бўронлари) инсон организмига қандай таъсир қилиши ва бу таъсирининг нозик механизмларини кўрайлик. Бунинг учун дастлаб ташки магнит майдони одам организмидаги мавжуд бўлган электр токларга қандай таъсир этишини билиш лозим. Шу нуқтаи назардан, одам организмининг қандай тузилганлиги ва унинг ҳаёти фаолиятида электр токлари ва зарядлар, шунингдек, магнит майдонларининг роли қандай эканлигини аниқлайлик.

Одам организмидаги жумладан, исталган тирик организмларда биотоклар деб аталадиган электр токларининг мавжудлиги қадимдан маълум. Бу токлар исталган электр токлари сингари зарядларнинг тартибли ҳаракатидан иборат. Одам организми фаолиятида биотокларнинг роли ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, организм ишлашида электр зарядларининг роли ҳам муҳим ҳисобланади. Улар ҳужайрадан ташқарига ва ташқаридан ҳужайрага етказиладиган моддаларни ҳужайра мемброналари орқали узатилишини бошқариб туради. Бошқача қилиб айтганда, электр зарядлари ҳужайралар ҳаёт фаолиятининг асосий жараёнларини бошқариб турувчи восита ҳисобланади.

Маълумки, тирик организмда электр токлари ва зарядлардан ташқари кичик магнитлар ҳам мавжуд. Бу микромагнитлар - организм тўқима молекулалари, авваламбор, сув молекулалари ҳисобланади. Организмдаги микромагнитлар, яъни

молекулалар ташки магнит майдон таъсирида буралиш хусусиятига эга. Ташки магнит майдони молекулаларни муайян йўналишга (огдиради) ориентрлайди. Бу организм иши фаолиятига таъсир этади.

Организмда минг ва миллионлаб молекулалардан ташкил топган улкан молекулалар мавжуд. Бу молекулаларнинг хоссалари, уларни фазода қандай йўналишига (ориентациясига) боғлиқ бўлади. Уларнинг организмда бажарадиган вазифалари шу хусусияти билан аниқланади. Агар бундай молекулалар (ДНК молекулалари сингари) магнит моментига эга бўлса, ташки магнит майдонининг ўзгариши таъсирида маълум йўналишга эга бўлади. Ташки магнит майдони таъсирида эса молекулаларнинг йўналиши майдон бўлмаган ҳолга қараганда бошқача йўналишда бўлади. Агар молекулалар одатдаги йўналишидан қанча кўп бурилган бўлса, унда улар ўз вазифасини нормал бажара олмайдилар. Бундан одам организми зарар кўради.

Организмда қон–томир системаси электр токини яхши ўтказади. Яъни у яхши ўтказгич ҳисобланади. Физикадан маълумки, агар ўтказгич магнит майдонда ҳаракатланса, унда шу ўтказгичда электр токи юзага келади. Ўтказгич қўзгалмай турган ҳолда, агар магнит майдон вақт давомида ўзгарса ҳам унда электр токи пайдо бўлади. Демак, магнит майдонда ҳаракатланганда, одам организмидаги фойдали биотокларга қўшимча электр токи пайдо бўлади. Бу токлар организмнинг нормал иш фаолиятига таъсир этади. Қачонки магнит бўронлари юз берса, магнит майдонининг ўзгариши содир бўлади. Бу организмда биотокларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай биофизик жараёнлар исталган тирик организмларда ҳам содир бўлади. Масалан, қушларни олайлик, улар узоқ масофаларга учганларида, қандай қилиб адашмасдан ўз манзилларига етиб борадилар? Қушлар учиш вақтида магнит майдон куч чизикларини кесиб ўтганларида, уларнинг қон–томир системасида электр токлари пайдо бўлади. Бу ток катталиги ернинг магнит майдон йўналишига нисбатан қушлар қандай йўналишда ҳаракат қилишига боғлиқ бўлади. Демак, қушлар фазода узоқ жойларга учганларида, ернинг магнит майдони туфайли улар учиш йўналишларини аниқлайдилар.

Демак, барча тирик организмлар сингари одам организмини ҳам электромагнит система деб қараш мумкин. Агар радиохаваскорлар тили билан гапирадиган бўлсак, унда одам организмини ўзига хос радиосхемага ўхшатиш мумкин. Магнит бўронлари вақтида, одам организмидаги турли ҳалақит ва шовқинлар содир бўлади. Радиомутахассислар ташки таъсиrlар натижасида радиосхемалардаги юзага келадиган бундай заарали ҳалақитларни тузатиш сирларини яхши биладилар. Улар радиосхемалардаги ҳалақит ва носозликларни тузатиб, уларни нормал ишлашига эришадилар. Бироқ, одам организмини мураккаблиги бўйича уни ўта мураккаб радиосхема билан солиштириб бўлмайди. Қуёш ва магнит бўронлари пайтида организмда юзага келадиган ҳалақит ва шовқинлардан уни ҳеч ким ҳимоя қила олмайди.

А. Л. Чижевский қуёш бўронлари вақтида беморларни ташки таъсиrlардан металл билан ҳимояланган палаталарга жойлаштиришни тавсия этади. Бу ҳақда у қўйидагиларни ёзади: ”Бундай палата ҳеч қандай тирқишига эга бўлмаган, барча олтига томонидан маълум қалинликдаги металл қатлами билан ўралган бўлиши лозим. Палата ичига заарали радиация нурланишларини кирмаслигини таъминдаш мақсадида, унинг олд кириш ва чиқиш жойига икки қаватли зич ёпиладиган зирхли (бронланган) эшик бўлиши лозим” [1].

Бироқ, реал шароитларда беморлар қуёш ва магнит бўронлари вақтида ҳимоясиз қоладилар. Бундай магнит бўронлари пайтида инфарктлар сони ва тўсатдан ўлим ҳолатларининг бир неча баробар ошишига ажабланмай бўладими. Бундай ҳолатларнинг аниқ сабабларини ойдинлаштириш учун, одам организми асосий бўгинларининг қандай тузилганлиги ва ҳужайраларда бўладиган жараёнларни электрик нуқтаи назардан тўлароқ билишни тақазо қиласди.

Кузатишлар натижасида қүёш активлигининг даврийлиги аниқланган. Қуёш сиртида құдратлы хромосфера чақнашлари (портлашлар) содир бўлиб туради. Ҳар бир ана шундай чақнашдан кейин қүёшдан барча йўналишлар бўйлаб космик фазога улкан плазма оқими (зарядланган заррачалар: электронлар, протонлар ва х.к.), яъни қүёш шамоли тарқалади. Бу плазма оқимининг маълум қисми ер атмосферасигача етиб келади. Бундай қүёш нурланиши қүёш активлиги ошган пайтида юз беради. Юқорида таъкидланган қүёш шамоли қисқа вақт ичида ер атмосферасидаги барча ҳавони ион ва электронларга ажратиб юбориб, биосферани қайтмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Ундан кейин сайёрамизда ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Бироқ, ерда узлуксиз ҳаёт давом этиб келмоқда. Ернинг магнит майдони бизни қүёш шамолидан асрайди. Бундан бошқа ишончли ҳимоя воситаси табиатда йўқ. Агарда она сайёрамиз ташки таъсиirlардан ҳимояланмаганды эди, бундай таъсиirlардан, энг аввало, қүёш шамолидан барча тирик жонзотлар нобуд бўлар эдилар.


Агар бу ҳимоя воситаси бекаму-кўст бўлганда эди ернинг магнитосфера қобигининг қандай тузилганлигини чуқур ўрганишнинг ҳожати йўқ эди. Аслида, бу ҳимоя қобигининг ўзига хос камчиликлари хам мавжуд. Аниқроқ қилиб айтганда, ер магнит қобигининг заиф жойлари (дефектлари ёки носоз жойлари) хам бор экан. Бу жойлар орқали қүёш шамоли ер атмосферасига киради. Шунга қарамасдан, атмосфера ва магнитосфера қатламлари заминимиздаги флора, фауна ва барча жонзотларни ташки таъсири ва нурланишлардан ишончли ҳимоя қилади. Минг километргача чўзилган ернинг ҳаво қобиги, яъни ер атмосфераси заминимизни кескин исиб кетиши ва совиб кетишидан сақлайди. Шунингдек, ер атмосфераси коинотдан келадиган барча таъсиirlардан, жумладан, метеоритлар оқимидан хам асрайди.

Кузатиш ва тадқиқотлардан маълумки, ердаги магнит бўронлари қўёшдаги портлашларлар билан бевосита bogлиq бўлиб, ўзига хос даврий характерга эга. Бу ҳақда қўйидаги маълумот эътиборга лойик.

“1859 йилда содир бўлган қүёш бўрони, шу пайтгача қайд қилинган барча қүёш бўронлари ичида энг кучлиси бўлди. Унинг таъсирида Америка қитъасида кечаси содир бўлган қутб ёгдусининг ўзгариб турадиган ёруг шуъласи осмонни ёритиб юборди. Куба ахолиси кечаси осмонда қизил шафакни кузатдилар. Компасларнинг стрелкалари тартибсиз буралиб дунё томонларини аниқ кўрсата олмади. Телеграф тизимлари издан чиқди. Тадқиқотларга асосан, қўёшдан отилиб чиқадиган зарядланган зарралар таъсирида юз берадиган бундай кучли қўёш ва магнит бўронлари факат 500 йилда бир марта содир бўлар экан. Шундай бўлсада, ҳаттоқи 50 йилда бир марта кузатиладиган унчалик катта бўлмаган қўёш бўрони улкан электр таъминотини узиб қўйиши ва сунъий йўлдошларни куйдириши мумкин ҳамда радиоэшиттириш тизимида катта халақитларни келтириб чиқаради”.

1-расмда Қуёшда юз берадиган магнит бўронлари активлик индекси G (даражаси) ва 2013 йил 24 сентябрдан – 20 октябр кунлари учун магнит активлиги башорати келтирилган. Активлик индекслари магнит бўронлари даражаси (сатхи) ни аниқлайди. У қанча катта бўлса, галаён шунча кучли бўлади.

G1	Заиф бўрон, K=3 бўлса, магнитосфера тинч бўлади
G2	Ўрта бўрон, K=4 бўлса, магнитосфера кўзгалган бўлади
G3	Кучли бўрон, K=5 ва ундан катта бўлса магнитосферада бўрон юз беради
G4	Жуда кучли бўрон
G5	Ниҳоятда кучли бўрон



1-расм. Магнит бўронларининг активлик даражаси


Ер геомагнит майдонининг биосферага таъсирига оид қуидаги далилларни келтириб ўтиш мумкин. Кўп йиллар давомида олимлар томонидан ернинг турли жойларида содир бўладиган биологик, геофизик ва физик-кимёвий жараёнлар солиштириб кўрилган. Мазкур жараёнлар ернинг турли жойларида, турли мавсумларда ва турли иқлимий шароитларда содир бўлишига қарамасдан бу жараёнлар бир вактда ва бир хил содир бўлиши аниқланган.

Биологик ҳодисаларнинг бир вактда содир бўлишининг ягона сабаби шундан иборатки, қўёшдан отилиб чиқадиган плазма нурланиши таъсирида магнит бўронлари бу ҳодисаларни юзага келтиради, деган холосага келиш мумкин.

Ерда бир-биридан жуда узоқда жойлашган нукталарда турли ҳодисалар бир хилда ўзгаришига кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, инсонлар организмидаги физик-кимёвий реакцияларнинг ўтиши ва улардаги қон таркиби бир хилда ўзгарар экан.

А.Л. Чижевский “Куёш бўронларининг ердаги акс садоси” деб номланган китобида у мазкур ҳодисалар ҳақида қуидагиларни ёзди: “Куёш активлиги ва дараҳтларнинг ўсиши орасидаги мунособатларга оид масала анча батафсил ўрганилди. Яъни дараҳтларнинг йиллик ҳалқалари қалинлеклари куёш активлигига bogliq ҳолда ўзгариши текширилди. Европа ва Американинг 43 мамлакатидан келтирилган кўп сонли дараҳт кесимлари тўпланди. Дараҳтларнинг йиллик ҳалқалари қалинлиги (миллиметрнинг юздан бир аниқликда) аниқланди. Бунда йиллик қатлам қалинлининг даврийлиги текширилди. Дараҳтлар ичida Жанубий Калифорниядан 3200 ёшли ва 500 ёшли дараҳтлар ҳам бор эди. Таҳлил натижаларидан шу нарса маълум бўлди, текширилган кесмаларда 11 йиллик куёш активлиги ёки унга карраги бўлган катталиклар аниқланди. Қуидаги вегетатив цикллар қайд қилинди: 5-6 ёш, 10-13, 21-24, 32-34, ва 100-103 йиллар. Максимал куёш активлик йилларида дараҳтлар кескин ўсиб, анча тўлишганлиги аниқланди. Минимал куёш активлик йилларида эса уларни тўлишганлиги камроқ бўлган. Дараҳтлар дунёнинг қаерида ва қандай иқлимда ўсишидан қатъи назар, уларга bogliq бўлмаган ҳолда куёш даврийлиги ўзини сезиларли намоён қилган эди”.

1927 йили (максимал куёш активлик йили) ботаниклар айрим ўсимликлар бақувват гуллаб, одатдагидан ортиқ (мева) мўл ҳосил беришини қайд қилдилар (2-расм).



*2-расм. 1750 йилдан 2000 йилгача бўлган Қуёш фаоллигининг циклари*

Махсус тадқиқотлар йўли билан кўп ўн йилликлар давомида максимал қуёш активлиги йилларида виноларнинг сифати (мазаси) яхшиланиши кузатилади. Бу фактлар шундан дарак берадики, қуёш активлигининг кескин сакрашларида ўсимликларда мутация содир бўлиши мумкин. Юқори қуёш активлиги даврида хосилдорлик юқори бўлар экан. Кам қуёш активлиги пайтларида эса хосилдорлик ўртачадан паст бўлиши кузатишлардан аниқланган. Бу ҳақда махсус адабиётдардан тўлиқ маълумот олишингиз мумкин [2,3].

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Эпидемические катастрофы и периодическая деятельность солнца. - Москва : Изд. Всероссийского общества врачей-гомеопатов, 1930. - 172 с.
2. Ю.Г. Мизун, П.Г. Мизун. Космос и здоровье. Издательство «Знание» Москва, 1984, С 143.
3. М.Р.Назаров, Н. М. Назарова. Олам маликаси ва унинг кароматлари. “Дурдона” нашриёти. Бухоро 2018 йил. 96 б.

*Назаров Мустақим Рашидович – ТИҚҲММИ Бухоро филиали “Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти” кафеодраси доценти. Тел.: +998 (91) 413-65-36*

*Назарова Наргиза Мустақимовна – БухДУ таянч докторантни. Тел.: +998 (90) 513-85-22*